



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 сентябр, якшанба №142 (1359)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддаоларга эришиш - биринчи гада ўзимизга, бизнинг ташаббус ва табдиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдига фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

БОРЛИГИМИЗ СЕНГА БАХШИДА, ВАТАН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Қадрли меҳмонлар!
Ҳурматли хонимлар
ва жаноблар!

Бугун юртимизда катта байрам, катта тантана.

Роппа-роса ўн бир йил аввал биз эски мустақил тузумдан воз кечиб, мустақил, эркин ва озод йўлни танлаб олдик, демократик таъминларга, бозор иқтисодиёти асослари-га таянган янги жамият, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт қуришга бел боғладик.

Мана шу энг улғу, энг буюк сана билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этишга руҳшат бергайсиз.

Албатта, ўн бир йил мамлакатимизнинг кўҳна ва буюк, кўп минг йиллик тарихида бир зум, бир дақиқа, десак, асло муболага бўлмайди.

Лекин ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яккаю ягона тўғри йўлни танлаганимизни бугун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мен ишонман - асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади.

Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга олиб, тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўзининг маъно-моҳияти билан бир йили ўн, балки юз йилларга тенг келадиган, мураккаб ва шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтдик.

Биз бунинг тасдиғини аваламбор юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликда, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, замонавий корхона ва иншоотлар, янги лицей ва коллежларимиз қиёфасида кўраемиз.

Биз бунинг одамларимизнинг, халқимизнинг дунёқароши, онг ва тафаккури ўзгариб, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи, эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланиб бораётганида, буюк бунёдкорлик хусусиятлари яққол намойён бўлаётганида кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини халққаро терроризмга қарши кураишда эл-юртимизнинг кўрсатаётган қатъиятига жаҳон аҳли тан бериб, дунё ҳамжамиятида ўз мустақил овозига эга бўлган Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганида кузатмоқдамиз.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар, Ўзбекистон ва ўзбек номининг жаҳон миқёсида шундай даражага кўтариллиши ва тараннум этилиши, ҳеч шубҳасиз, 11 йил олдин ҳеч кимнинг хаёлига ва ақлига сиғмасди, десак,



ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қадрли юртодошлар!
Бутун жаҳон қаторида янги йигирма биринчи асрга қадам қўйдик. Янги аср - ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир.

Шу билан бирга, бу шиддаткор асрда атрофимизда ва халққаро майдонда қандай янги таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай вазият барчамиздан аввало ҳушёрлик ва сезгирликни, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамоҳанг бўлиб, узоқни кўзлаб яшаши-мизни талаб қилмоқда.

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-

муддаоларга эришиш - биринчи гада ўзимизга, бизнинг ташаббус ва табдиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдига фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар - мана шундай юксак масъулиятга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бутун борлигимизни шунга бахшида тайлик.

Яна бир бор барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги билан чин юракдан табриқлайман.

Сизларни, азиз юртодошларим, бағримга босиб барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва тотувлик, файзу барака тилайман.

Озодлигимиз мангу, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Тарихий адолат қарор топганига - халқимиз асрлар бўйи орзу қилган ўз мустақиллигига эришганига ўн бир йил тўлди.

Миллат, халқ, она юрт том маънода кадр топганига ўн бир йил тўлди.

Дунёда Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлат, озод мамлакатга асос солган жасур, танги ва матонатли йулбошчи - Президент Ислам Каримов: «Мустақиллигимиз абадий бўлсин!», деб эзгу ниёт қилган ва шу улғувор тилани илк бор баралла, мардонвор шовён этган ўша хажонани, унутилмас лаҳзалар гувоҳи бўлганимизга роппа-роса ўн бир йил тўлди.

Ўн бир йилки, суюкли Ватанимиз бошидан мустақилликнинг қора булутлари ариди, она халқимиз истибод занжиридан буткул халос бўлди. Аждодлардан асрий мерос миллий кадриятлар, маданий-маънавий бойликлари ўзининг асл соҳибла-

рига - хур авлодларга қайтди.

Салкам бир аср давомида бани башарни чалғитиб келган, хусусий мулкчиликка, демокки, инсоният фаровон ҳаёти негизига болта урган сохта ва маъҳум «режали иқтисодиёт» сисъати паторат топди. Мамлакатимиз истиқлол шарофати билан жаҳоннинг илғор ривожланган давлатлари қатори бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади.

Кун кеча олтин, пахта, пилла, нефть, газ каби бебаҳо бойликлари муттасил таланиб, ҳатто арзиманган гугуртни ҳам четдан ташиб келтиришга маҳум этилган, бир сўз билан айтганда, шуро салтанатининг «омаиш» омбори»га айланган, кўп

йиллар мобайнида иқтисодиётнинг асосини қоқоқ қишлоқ ҳўжалиги ташкил этиб келган республикамиз истиқлол туфайли sanoat, самолётсозлик, автомобилсозлик ва машинасозлик, кончилик соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Замонавий катта-кичик корхоналарда, ўнлаб қўшма корхоналарда нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таъминлайдиган, балки дунё бозорида ҳам бемалол рақобатлаша оладиган хилма-хил маҳсулотлар тайёрланяпти. Эндиликда юртимиз автомобиллари олис ва яқин хориж йўллариди, бизга таниш-шунотаниш, аммо «Ўзбекистонда тайёрланган» деган ёрликни яхши билгуччи, таъбир жоиз бўлса, муносиб эъозлагувчи инсонларнинг узоғини яқин қилаётир.

Истиқлолнинг дастлабки давридаёқ галла ва нефть мустақиллигига, энергетика таъминоти барқарорлигига эришилди. Аграр соҳа ҳам тубдан янгиланмоқда. Пахта яқажоқимлиги барҳам топди. Қишлоқ ҳўжалиги ти-

Ўзбекистон айна чоғда жаҳонда «Ўзбек модели» сифатида танилган ва эътироф этилган шу ривожланиш йўлидан мағрур одимлаётир.

Мана шундай файзли дамларда жонажон диёримиз узра кезаётган энг улғу, энг азиз байрамнинг кўтаринки кайфияти, шоду хуррамлик руҳи мустақиллик йилларида халқимиз босиб ўтган шонли йўлга - ўн бир йиллик навқирону шуқуҳли тарихимизга яна бир бор фахр ва завқ билан назар ташлашга, ислохотларимиз самараларини ҳақли равишда эслашга ва бундан гурурланишга, шунинг баробарида, истиқболдаги ёруғ мақсад ва режаларимизни белгилаб олишга ундайди.

Одатгадидек, бу йил ҳам 31 август оқшомида Мустақиллик майдони - юртимизнинг мўътабар айёми нишонланадиган бош саҳна байрамона безатилган. Аграр соҳа ҳам қувонч тимсолига айланган улкан амфитеатр бу гал ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларни ўз бағрига олди.

Бу ерда Олий Мажлис депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, юртимизда фаолият юритаётган халққаро ташкилотлар, элчионалар раҳбарлари ҳозир бўлган.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кириб келади. Йиғилганлар Юртбошимизни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Соат 19.30. Бош майдон узра мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бошланганидан дарақ бериб, чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислам Каримов Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этади.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲИДЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН КУН

Халқимиз кўп асрлик тарихи давомида не-не кунларни бошдан кечирган. Тарихимизнинг энг қора саҳифаларидан бири Чор Россиясининг Урта Осиёни истило қилишдан Ватан ва юрт равнақи йўлида қурашган неча минглаб асл юртодошларимиз ноҳақ қурбон бўлдилар.

Халқимиз ўз фарзандларининг муқаддас номини ҳар доим азиз билиб, доимо ёдда сақлаб келади. Бу - миллатимизнинг азалий кадрияти. Мустақиллик йилларида бу кадриятимизни юксалтириш борасидаги кенг қўламли ибратли ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, Қатагон қурбонларини ёд этиш кўннинг белгиланиши бу савобли юмушларимизнинг энг қутлуғларидандир.

қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.

Эрта тонгда шаҳидлар ҳаққига Куръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари хиббонда бунёд этилган Қатагон қурбонлари хотираси музейини кўздан кечирди.

Мустамлакачилик сисъати халқларни ҳар доим жабру ситам, эзитуқлуғларидандир.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистоннинг Мустақиллик кўни байрам қилиниши муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига гоят самимий қутловларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Жаҳоншумул зиддиятлар даври бўлмиш бизнинг давримиз жаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларини эътиборга олувчи анжумандир. У инсоният тараққиётининг универсал воқитаси бўлиб хизмат қилади. бунда барча қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон шафқатсизлиги ва оқчоқлиги пайини қирқиб, Ерининг қимматли ресурсларини сақлаш, аёллар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг камбағал ва энг ночор табақалари қулфатларини бартараф этиш йўлида ҳамжиҳат бўлиб ишлаш олади.

Мана шу мақсадларга эришмоқ учун бизнинг ихтиёри-мизда сисъий, илмий, технологик қўллар мавжуддир. Бизнинг вазифамиз - муштарак манфаатларимизни белгилаб олишдан, саъй-ҳаракатларни бирлаштириб, халққаро ҳамкорлиқни янги босқинга йўналтиришдан иборатдир.

Мен Ўзбекистон ҳукумати ва халқининг бу гоят муҳим ишга ҳисса қўшишини ва айна шу руҳда ҳамкорлик қилишини сабрсизлик билан кутиб қоламан ҳамда бу муҳим миллий байрам муносабати билан Сизга энг эзгу тилақларимни изҳор қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромим-ни қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий қутловларимни ҳамда тинч ва фаровон истиқболни тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

ЕЛИЗАВЕТА II,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия
Бирлашган Қиролиги Қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбек халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз. Айни вақтда Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашимиз изҳор этмоқчиман, бу ўзгаришлар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни қарор топтириш имконини беради.

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Польша мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун доимий қизиқиш билан қарамоқда. Ишончим комилки, ҳамкорликни ривожлантириш иккала томонга амалда наф келтиради, мамлакатингизга октябр ойида режалаштирилаётган ташрифим эса бунга қўмаклашади.

Камоли эҳтиром ила,
Александр КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан гоят самимий ва сидқидилдан йўллаётган қутловларимни ҳамда Сизга ва Сиз орқали бутун дўст ўзбек халқига тинчлик, омонлик ва раванқ тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Сизнинг давлат раҳбаридек масъулиятли лавозимдаги самарали, собитқадам фаолиятингиз ҳамда Сизнинг раҳбарлигингизда оғимшай олиб бораётган ислохотлар йўли бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг халққаро майдондаги мавқеини кучайтиришга ва ўзбек халқининг фаровонлигини оширишга хизмат қилаверади.

Молдова билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва бахт-саодати йўлида тобора мустаҳкамланиб, тезкорлик билан ривожланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда барча орзу-умидларингиз ва эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишида улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,
Владимир ВОРОНИН,
Молдова Республикаси Президенти

БОРЛИГИМИЗ СЕНГА БАХШИДА, ВАТАН!

ШАҲИДЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН КУН



(Боши 1-бетда)

лиш ва камситишларга дучор қилади, - деди Ислам Каримов музейни кўздан кечирар экан. - Халқимиз ҳам неча йиллар давомида ана шундай дахшатли синовларни бошдан кечирди. Минг-минглаб бегуноҳ, асл фарзандлар қурбон бўлди. Ўз тарихини ҳурмат қилган халқ, миллат аждодлар ёдини доимо қутлуғ билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди. Бу эса халқнинг ўзлигини англашига ёрдам берадиган муҳим омиллардан биридир.

Ўзаро низолар ва ноаҳиллик давлат асосини емиради, деб таъкидлади Президентимиз. Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган буюк салтанат парчаланиб кетгандан сўнг вужудга келган хонликлару амирликлар ўртасидаги келишмовчиликлар она юртимизда тараққиёт сусайишига олиб келди. Охир-оқибат муқаддас заминимиз оёқ ости бўлди. Мустабид ту-

зум даврида халқимиз қадриятларининг топталиши, сон-саноксиз қурбонлар берилишининг асл сабаблари ҳам ана шулардир. Хар бир жараённинг сабаб-оқибатлари тўлиқ очиб берилгандагина унинг асл моҳиятини тушуниш мумкин бўлади. Шу боис, музей ишини ташкил этишда ана шу омиллардан келиб чиқмоқ керак. Токи, бугунги авлод тарқоқлик ва ўзаро низолар қандай анъаналарга олиб келишини ҳис этиб турсин.


Юртимиз, халқимиз раванакини қўролмаганлар ҳеч қачон тинч ётмаган. XX асрнинг 90-йиллари бошларида юз берган «Фаргона воқеалари» замирида ҳам айнан шундай мақсадлар ётган эди. Яратганга шукрлар бўлсинки, Президентимиз Ислам Каримовнинг қатъияти ва доно сийбати натижаси улароқ бундай манфур ниятлар амалга ошишига йўл қўйилмади.

Шу ўринда мазкур музейни бунёд этиш ташаббускори шахсан Пре-

зидентимиз эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бўзсўз соҳилида қад ростилаган бу иншоот шарқ меъморлигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган. Бу ерда халқимизнинг Чор Россияси истилосидан мустақилликкача бўлган даврда бошдан ке-

етиш, уни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш бурчимизнинг бурчимиздир.

Музей ва унинг атрофида хотира муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўзбек мумтоз куйларининг таралиб туриши ана



Музей ва унинг атрофида хотира муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

шундай руҳ пайдо бўлишига ҳизмат қилади. Чунки бу ҳиббон қўнғилочар жой эмас, бутун бир халқ, миллатнинг асл фарзандлари хотирасига бўлган эҳтиром намунаси. Бу ердаги муҳит адолат қарор топганидан дарак бериб туриши лозим. Чор Россияси армияси томонидан қириб ташланган, «қулоқлаштириш» кампанияси даврида олис ўлкаларга сургун қилинган, Сталиннинг «қатагон тегирмони»га ташланган, «ўзбек иши», «пахта иши» деб мислсиз жабру ситамларга дучор қилинган барча инсонлар ёди абадийдир.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

(Боши 1-бетда)

Майдон узра Давлат маҳфияси таралади. Маҳфияга байрамнинг барча иштирокчилари жўр бўлади. Бир неча дақиқа давомида минглаб юраклардан отилиб чиқаётган фахрийлар садолари нанки мана шу муаззам майдону жонахон юртимиз кенгликлариди, ҳатто бутун дунё бўйлаб мағрур жанранглаб турди. Зеро, миллий байрамимиз тантаналарини ер сунъий йўлдоши ёрдамида эллиқдан ортиқ мамлакат фуқаролари бевосита ўз телевизорларидан томоша қилиш имконига эга бўлди. Ушбу шодиёналар нафаси «Интернет» тармоғи орқали дунёнинг телетўлиқин етмаган олис бурчакларига ҳам кириб борди.

Юртимиз мустақиллик куни тантаналарининг бу қадар кенг миқёс касб этгани, бу қадар юксак руҳида нишонланаётгани бежиз эмас. Бу - Ўзбекистон тараққиётининг асосий устувор йўналишларини белгилаб олишда тўғри йўл тутилгани, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида учраши мумкин бўлган тўсиқларга қарамасдан, қўйилган вазифалар изчил ва босқичма-босқич адо этиб келинаётганининг яққол тасдиғидир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган жамиятнинг ислоҳ этишининг машҳур беш тамойилини ҳаётга кенг таъбиқ этиш тўғрисида бугун мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, бозор муносабатларини изчил жорий этиш таъминланмоқда.

Давлат ва жамият қурилиши жабҳасида туб янгиланишлар амалга ошириляпти, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиляпти, ҳокимиятнинг мустақил қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи янада такомил топаёпти, икки палатали парламент шаклланиб, сиёсий, ҳарбий салоҳиятимиз тағин-да юксалаяпти. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ошаётди, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий негизи мустаҳкамланаётди, матбуот, сўз ва фикр эркинлиги тобора устувор аҳамият касб этаётди.

Айни дамда ўн бир йил ичида юртимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида муайян бир поғонага кўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини Юрбшмииз куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузада аниқ ва равшан белгилаб берди.

Мамлакатимизда асрларга тенг бунёдкорлик ишлари бажарилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Халқимиз меҳнати билан тарихан қисқа вақтда юртимиз пойтахтидан то энг чекка ҳудудларгача йирик меъморчилик обидалари қад ростламоқда.

Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда қўйлаб янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши яхши аънаънага айланган. Шу маънода, бу

йил улуг айём олдида Навоий-Учқудуқ-Султон Увай-стоғ-Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошлангани катта воқеа бўлди. Пойтахтимизнинг Жанубий вокзали рўпарасида бунёд этилган улкан кўприк, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида шарқона меъморчилигимиз аънавалари асосида қад ростлаган Қатагон қурбонлари хотираси музейи, шунингдек, жойларда халқимиз фаровонлиги ва буюк келажагимизга хизмат қилишдан юзлаб байрам иншоотлари ишга туширилди.

Она диёримиз қиёфасининг жаннатмонанд тус олишида, кундан-кунга гуллаб-яшнашида ва умуман, бемисл бунёдкорлик ишларимиз замирида юртимиз меҳнат аҳлининг пешона тери, эзгу орзу-нияти ва келажагимизга мустақкам ишончи мужассамдир.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи кун сайин ортиб бораёпти. Бунинг боиси мамлакатимизнинг дунёдаги деярли барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатдорлик асосида самарали ҳамкорликни тобора ривожлантираётгани, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва ҳавфсизликни асраб-авайлаш, халқро ҳуқуқ меърилларининг устуворлиги каби тамойилларга тўла амал қилаётганидир.

Давлатимиз халқро майдонда тинчликпарварлик сийбати юритиб, мавжуд муаммоларга дадиллик ва фаоллик билан ечим топишга ҳаракат қилаётди. Айниқса, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақани ядро қуридан холи маконга айлантириш, минтақавий можороларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқро террорчилик ва ақидапарастликка қарши кураш борасидаги оқилона сий-ҳаракатлар мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзидаёқ АҚШ ва Япониядек қудратли давлатлар билан стратегик шериклик расмийлаштирилгани, бошқача айтганда, Магриб ва Машриқда қиёматли дўстлар, энг ишончли ҳамкорларимизга эга бўлганимиз ташқи сийбатиимиздаги улкан ғалаба, бемисл ютуқдир.

...Пойтахт осмонини оловли мажнунтоллар - рангин мушаклар чарогон этиб юборди. Осмон янгли ёришлар кўнгиларга фахру гурур бағишлаганча улкан саҳнада театрлаштирилган томоша бошланади. Тантанали мусиқа, ҳароратли мисралар, жонбахш кўшиқларда истиқлолимиз, халқимиз, Ватанимиз шарлафланиди. Ўзбекистон Давлат байроғини кўтарган юзлаб яловбардорлар шаҳид одимлайди. Жўшқин рақсга гал келади. Оҳанглар канотида чарх ураётган паридек қизлару ажбир йигитларнинг гўзал ҳаракатлари кўнгиларга сурур бахш этади.

Айни чоғда, бу - шунчаки кўнгилочар томоша эмас, аксинча, намоийш этилаётган бадий лавҳалар мундарижаси кенглиги, мазмун-моҳияти гоят теранлиги билан диққатни тортади. «Бола кўзи билан кўринг дунёни», «Баркамол авлод - юрт келажаги», «Ватан саждагоҳ каби муқаддас!», «Вилоятлар гулдастаси», «Санъатинга ҳамоҳанг жохон», «Осмон тўла юлдузлар» каби сахналар номининг ўзидек шундан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда ўтган даврда эришилган оламшумул ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, тинчлик

ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимиз сиймолари, жаҳонга юз тутган юртимиз жамолино камоллини юксак бадий ифодалар воситасида, театрлаштирилган лавҳаларда, янги-янги кўшиқ, рақс ва мусиқий оҳангларда намоён этиш ва халқимизни истиқболдаги буюк яратувчилик ишларига илҳомлантириш - асосий майдондаги улкан саҳна томошалари замирида ана шундай юксак мақсад ва эзгу интилишлар мужассам топган.

Мамлакатимиз ички сийбати «Инсон ва унинг манфаатлари хар нарсадан улуг» деган тамойилга асосланган. Мазкур жараён аввало хар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни қамраб олади. Бу йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган ҳам айни шу тамойил изчиллик билан ҳаётимизга таъбиқ этилаётганидан далолатдир.

Майдон узра кекса авлодга бўлган юксак эътибор изхори сифатида мумтоз ашулалар таралади. Саҳнага ширинтой болажонларнинг кириб келиши умрининг бардавонлиги, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги узвий боғлиқликка ўзига хос ишора гўё. Соғлом авлод, фарзандларимизни хар жиҳатдан етук ва комил инсонлар қилиб вояга етказиш, уларга келажагимиз эгалари деб қараш Ватан ва халқ истиқболига дахлдор масала сифатида истиқлол сийбатиимизнинг узвий қисмига айланади.

Эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаяётган ана шу келажақ эгалари - янги, соғлом авлод ўтмишининг аламли кунлари кирлатмаган, ҳасрату армонлари соя солмаган омон-омон кўшиқлардан айтади, шодон-шодон рақсларини кўз-кўз этади.

Она юрт келажаги бўлган



ган Қуролли Кучларни яратиш «Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида. Давлатимиз раҳбарининг парламент тўққизинчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва сифат жиҳатидан янги армияни шакллантиришга оид фикрлари бунинг яққол далилидир.

Ўтган даврда азалдан йирик маданият ўчоғи бўлган диёримизда Бухоро, Хива, Термиз каби шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланди. Шу муносабат билан бу ерларда амалга оширилган қурилишлар ва аждодларимиз ёдгорликларини, мақбараларини тиклаш каби бунёдкорлик ишлари мазмуни ва ҳажми юз йилларга татиғулқидир.

Бу йил эса юртимизда яна иккита шаҳар - Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ва нақвирон Нукуснинг 70 йиллик тўйи кенг нишонланади. Вилоятлар бадийи жамоаларининг саҳна чиқишларида Қашқадарё вилоти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларининг шу муносабат билан тайёрланган байрам дастурларига алоҳида ўрин берилди.

Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан турли миллат ва эллатлар вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Мустақиллик ўзбеклар қатори ана шу заминда яшаётган



болаларнинг шўх, хушқачқак, жўшқин кўшиқ ва рақслари ниҳоясига яқинлашган паллада майдон марказига мамлакатимизда кенг қанот ёйган, баркамол ва соғлом авлодини тарбиялашга хизмат қилувчи оммавий спорт мусобақалари - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» иштирокчилари ва голиблари чиқиб келади.

Сўнгра Ўзбекистон шўхратини оламга танитишга улкан ҳисса қўшаётган жасур ва мард полковлар, машҳур спортчилар пайдо бўлади. Зеро, миллий спортимиз довуғи сарҳадлар ошиб кенг ёйилмоқда.

Қудратли марш садолари янграйди. Барча қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар Ватанини улуглайдиган кўшиқларни қуйлаб, жанговар ва шаҳдам қадамлар билан майдонга кирди. Она юрт эрки, халқимиз тинчлиги посбонлари ўз маҳоратини намоийш этар экан, уларнинг ҳаракатидаги эркинлик, шижоат ва мардонворликни кузатиб, ҳамманинг дилида ифтихор уйғонади, Ватан сарҳадлари, бугунимиз ва эртанги кунимиз мустаҳкам қўларда эканига ишонч ҳисси ошади.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий, энг мукамил техника билан таъминланган, яхши тайёрлан-

бир юз ўттиздан зиёд миллат ва эллатга ҳам ҳурлик, порлоқ истиқбол, ўз маданиятини эркин тараққий этиштириш ҳуқуқини берди. Бугун юртининг бош саҳнасида жами миллатлар бир тан, бир жон бўлиб - ягона Ўзбекистон бўлиб Истиқлолга сарафроз айтади!

Маҳдингни қўлайман Ватаним - онам...

Бу жонбахш мисра накинчи байрам томошаси иштирокчиларининг дилида, балки айни дамда барча-барчаимизнинг юрак-юрагимиздан отилиб чиқаётган эзгу тилакларга менгзайди. «Юлдузларнинг сурули куй-қўшиқларида Ўзбекистон кўшиқ байрами ва бошқа нуфузли кўрик-танловлар голиблари, ҳатто томошабинлар, бутун халқимиз жўр бўлади. Ҳамманинг тилини дилида шу ўй ва шу сўзлар - Ватан! Истиқлол! Истиқлол!

Туйқус кўзни қамаштирувчи мушаклар ёлқини, нурафшон келажагимиздан дарак бергандек, азим пойтахт осмонини ранго-ранг шуълалар билан чарогон этади. Мамлакатимизнинг бош майдонида ана шундай авж пардаларда кечган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ёйилди.

Энг улуг, энг азиз байрамнинг муборак бўлсин, она халқим!

Фулор МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номидан гоят қизгин ва самимий қутловларни қабул қилишингизни сўрайман.

Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги дўстона муносабатлар мустақил давлатларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб боравереди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли Ислам Абдуганиевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Миллий байрам - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган гоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон мустақиллик йиллари мобайнида давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, барқарорлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим ижо-

бий натижаларга эришди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат ва шерикчиликка асосланган мавжуд дўстона муносабатлар бундан буён ҳам халқларимизнинг манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, соғлиқ ва барча ташаббусларингизда муваффақиятлар, ўзбек халқига эса бахт-саодат ва равақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизни ва Сиз орқали бутун биродар Ўзбекистон халқини Миллий байрам - Мустақиллик куни билан чин қалбдан муборакбод этаман. Шу куни Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасида тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ривожланиб бораётган муносабатларнинг муттасил ва барқарор тус олганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон раҳбари лавозимидидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб изхор этган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Тинчлик, равақ ва фаровонлик истаб билдирган тилақларимни бутун қардош ўзбек халқига етказишингизни сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ,
Туркменистон Президенти



Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг II йиллиги билан самимий муборакбод этади

«Шарқ Мир» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси
жамоаси барча юртдошларимизни энг улуг,
энг азиз байрамимиз билан муборакбод этади

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият,
қутлуғ хонадонингизга бахт ва барака тилайди

Фахр

ОММАВИЙЛИК, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА МАҲОРАТ

касаба уюшма спорти шиори

Кўпни кўрган, тажрибали устозларни кадрлаш, эхтиром кўрсатиш халқимизнинг азалии одати. Зотан, кекса мураббийлар тажрибаси шундай бир туганмас булоқки, бу роҳатбахш булоқдан баҳраманд бўлиш — улар сабоқларини тинглаш фақат фойда келтиради.

Кунни кеча марказий бошқарувида ташкил этилган тадбирга маҳаллалар, оммавий жамоат ташкилотлари, спорт мактаблари ва клубларида ёш авлодга ўзларининг бой тажрибасини ўргатаётган касабаси уюшма спорти фахрийлари тақдир этилди. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги ва Қарияларни кадрлаш йилга бағишланган тадбир иштирокчилари бир пайла чой баҳона дўстона суҳбат қурдилар, тажриба алмашдилар. Ажойиб кўй-қўшиқлар эса даврага ўзгача шуху бағишладди.

Дарвоқе, тадбирда фахрийларимиз томонидан

тасарруфидаги жисмоний тарбия жамоалари, спорт-соғломлаштириш клублари ҳамда уларда шуғулланувчиларнинг сони сезиларли даражада ошди. Наманган, Жиззах, Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида жамиятларимизга қарашли янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Масалан, Сурхондарё вилоятида сўнгги бир йил ичида вилоят касабаси уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг «Алпомиш» уйингоҳи таъмирланиб, замонавий кўриниш касб этди. Буниг учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мамлакатимиз кишлоқ меҳнатқашлари спарта-

ноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси ташаббуси билан ҳар йили соҳа меҳнатқашлари ўртасида миллий кураш бўйича турнир ўтказилиб келинмоқда. Унда ўнлаб иқтидорли курашчилар кашф қилинаётди. Илдири қадим-қадимларга бориб тақаладиган яна бир миллий спорт туримиз — Турон яккакураши ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, маҳоратли ўғил-қизларни тарбиялашда пойтахт вилоятилик тажрибали мураббийимиз Акром Шердонаевнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Тошкент вилояти Турон яккакураши Федерацияси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатаётган мураббийимиз қисқа вақт ичида уч нафар спорт устаси, 20 нафар спорт усталигига номзод, ўнлаб чемпионлар тарбиялаганининг ўзидек унинг ютуқлари салмоқидан дарак беради.

Турли спорт турлари бўйича мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни етказиб беришда тизимимиздаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг роли катта бўлмоқда. Касабаси уюшмаларига қарашли БУСМларда 30 мингдан ортиқ ёшлар тарбияланмоқда. Тарбияланувчилар маҳоратини ошириш мақсадида ҳар йили юзлаб турли мусобақалар ташкиллаштирилмоқда. Шунингдек, ишчи-меҳнатқашлар ўртасида спорт оммавийлигига эришиш, спорт-соғломлаштириш ишларини талаб даражасига кўтариш мақсадида доимий равишда спартакиада, турнир ва мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилмоқда.

Миллат ҳар томонлама кучли бўлиши учун албатта спорт билан шуғулланиши керак. «Оммавийлик, соғломлаштириш ва маҳорат!» деган шior остида фидойилик билан меҳнат қилаётган касабаси уюшма спорти вакилларининг энг олий мақсади ҳам шу. Бундан кейинги фаолиятимиз, бутун куч-салohиятимиз ана шу мақсаднинг тўла-тўқис рўёбга чиқишига қаратилади.

Баходир ТОЖИЕВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви раисининг ўринбосари.



«Сўқоқ» пансионати бўйлаб борарканмиз, бу ердаги ҳар бир дов-драхт, орасталик, шинам дам олиш гўшалари ажойиб инсон Ориф ака Одилхоновни эслатиб туради. Қарийб ўттиз йил дам олиш уйига раҳбарлик қилган тиниб-тинчимас қалб соҳиби хушчақчақ, хушфелъ, хушмуомалалиги билан қалбларни ром этганди. Ориф ака ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан эди. Йиллар мобайнида сикатгоҳни кенгайтириш, гуллар, дарахтларни кўпайтириш, дам олувчилар учун кулай шароитлар яратиш учун тиним билмай ишлади. Хар тонг у сеvimли масканига биринчи бўлиб келар, ён-атрофга сувлар септириб, хузурубаш шароит яратарди. Дам олувчилар учун тайёрланаётган овқатларнинг сифатли, мазаали бўлиши устидан шахсан назорат қиларди. Саксон ёшли Назир бобо шундай хикоя қилди: «Орифхон оламдан ўтганлигини эшитиб, уй

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАДИ

томон ошқидим. Муойилашда машинага қўл кўтариб, ҳайдовчи йигитдан манзилга элтиб қўйишни илтимос қилдим. Йул-йўлақай ҳаётда қанчадан-қанча инсонларга фақат яхшилик қилган, муаммоларни ҳал

ҳақида сўзлашишдан чарчамасди. Яна бир фазилати жондан азиз фарзандлари тарбияси, уларнинг камолоти ҳақида алоҳида қайғурарди. Узининг таъбири билан айтганда, ўрмончи ўғли Собиржоннинг ҳар бир муваффақия-

гиза, Шаҳноза, Хилола, Шоира ҳамда икки келини Зиёдахону Нарғизахонлар оталарининг савобли ишларини давом эттиришмоқда. Узимча ният қиламан:

ана шундай мазмунли ҳаёт, одамлар меҳру муҳаббати, иззату ҳурмати ҳар кимга ҳам насиб айласин!

М.ИЛЁСОВ.

Ориф ака хонадонда бўлганимизда, унинг фарзандлари газетамиз учун ният қилиб қўйган шеърларини тақдим этишди. Уларни мамнуният билан газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Хотира

этишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшган киши оламдан ўтганлигини айтганимда, ҳайдовчи йигит хўнграб йилга юборди. Билсам, у касалга чалиниб, икки йил ишламай юрган кезларида Орифхон оиласидан хабар олиб, моддий ва маънавий кўмак берган экан».

тидан болалардек қувонарди. Келинлари, қизлари, невараларининг туғилган кунларида ўзи дастурхон тузаб, барча қадрдонлари, хешу ақраболарни меҳмонга таклиф қиларди. Ҳа, Ориф ака кўнгил олишни, кўнгил овлашни биларди.

Ориф Одилхонов истеъдодли шоир сифатида ҳам эл-юртга танилди. Унинг юзга яқин шеърлари қўшиқ сифатида машурдир. Ишқ-муҳаббат, садоқат, одамлилик, табиат кўрхи, гуллар чамани, булбуллар навоси, тоғлар, юксакликлар салобати шoir шеърларида ўз аксини топган. Кўп йиллик ҳалол хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган. Энг муҳими, Орифхон акадан яхши ном, эзгу ишлар қолди. Жондан азиз фарзандлари Содикжон, Собиржон, Нар-

УМР МАЗМУНИ

Орзуларга боғларан қанот, Баланд учган бургутни кўрсанг. Баҳринг очар ўзга бир ҳаёт, Йўлни янги сўқмоққа бурсанг.

Турфа гуллар ноз жилвасидан Дилбар кўшиқ тугулар, инон. Ва кўшиқлар нағма-сасидан Дилинг куйга тўлар бегумон.

Кувонасан қучгандай зафар, Бунга асло бўлмаган ҳайрон. Пастда қолар ташвиш-ғалвалар Сен юксакка интилган қанон.

Тилинг дилингга мос келмаса мутлоқ, Фарқиға бормасанг севинч-аламини, Иккимиз бўлмасмиз ҳеч қачон иноқ, Яхшиси, мен сари қўйма қадамни.

Ўртага ҳасад-ла совуқлик ташлаб, Ёмонлаб паст десанг юксак одамни, Қўймасдан олдинроқ кўнгилни ғашлаб, Яхшиси, мен сари қўйма қадамни.

Дард бўлса юракда севги ва армон, Меҳринг-ла ёритсанг кўна оламни, Бағрим очиб доим, бул азиз меҳмон, Мен сари юр фақат, узма қадамни.



мамлакатимиз спортчиларининг истиқлол йилларидаги бемисл ютуқлари эътироф этилди. Ҳақиқатдан ҳам айни шу йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг равнақи учун мустаҳкам замин яратилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермай қолмади: спортда дунё мамлакатлари орасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлдик. Жаҳон миқёсида вакилларимизнинг юксак салоҳияти, иқтидори эътироф этилди. Кўнгилга қувонч бағишлайдиган жиҳат шуки, Ташкилотларнинг оламшумул ютуқларида меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи республика касабаси уюшмаларига қарашли Жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ўтган йиллар мобайнида касабаси уюшмалари

киадаси ўтаётган кунларда «Дельфин» сузис ҳавзаси спортчилар ихтиёрига топширилди.

М.Маҳмудов, Б.Қурбанов, О.Чусавитина, С.Баҳриддинова, А.Ряхов, К.Яшин, Э.Маҳмадиев, Б.Тожибоев, Т.Малинина, Б.Уринбоев, Э.Урумбоева сингари ўнлаб мохир спортчиларимиз Осиев, Европа, Жаҳон ҳамда Олимпияда мусобақаларида Ватанимиз доверугни жаҳонга ёйди. Сиднейда ўтган Олимпияда бахшларининг ўзида касабаси уюшмаларининг 24 нафар спортчиси кураш олиб борди. Шу йилнинг 8-25 феврал кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилган XIX киши Олимпия уйинларида олти нафар вакилимиз мамлакатимиз шарафини химоя қилди.

Касабаси уюшмалари миллий спорт турлари ҳамда халқ уйинларини оммалаштириш ҳамда ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё са-



ПЕШҚАДАМЛАР — ГОЛИБ

ларда илик таассурот қолдирмоқда. Кончилар бу гал сафарда бўлишлариға қарамай «Трактор» жамоасини ҳар жиҳатдан мағлуб этдилар. Танланган уйин тактикаси ва футболчилар маҳоратининг уйғунлиги охир оқибат самарасини берди. «Кизилқум» меҳмонда йирик ҳисоб (0:3)да ўз устунлигини таъминлаб, изма-из қувиб келаётган «Нефтчи» ва «Насаф»га яқинлашишга йўл қўймади.

Дарвоқе, «Нефтчи» клуби «Самарқанд-Д» билан, «Насаф» эса «Зарафшон» билан кечган уйинда ўзга майдонда тўп сурганликларига қарамай бир хилда (0:1) ҳисобда голиб чиқиб, қимматли уч очкога эга бўлди. Шунингдек, «Машъал» меҳмони бўлган «Металлург» ҳам Муборакда 2:4 ҳисоби қайд этилиши учун ўзида куч ва маҳорат топа билди.

Якка пешқадам «Пахтакор» жамоаси эса «Кўкун-1912» клубини қабул қилиб, жавобсиз беш тўп киритган ҳолда навбатда-

ги галабасини нишонлади. Агар турнир жадалига разм соладиган бўлсак, тошкентликлар ҳар томонлама юқори натижага эга бўлиб турганликларини кўриш мумкин: энг кўп галаба, энг кам мағлубият, энг кўп тўп киритиб энг кам тўп ўтказиб юборган «Пахтакор» жамоаси олтин медал учун курашда байроқни ҳеч кимга бериб қўймаслиги тобора равшан бўлмоқда.

Қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» - «Дўстлик» - 1:0, «Бухоро» - «Сурхон» - 2:1, «Навбахор» - «Андижон» - 3:0.

20-турдан кейинги вазият

Table with 7 columns: Rank, Team, Goals, Points, etc. Lists teams like Paxtakor, Kizilqum, Neftchi, etc.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Газетамизнинг навбатдаги сони 4-сентябрда чиқади.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134